# ФУҚАРОЛИК ПАСПОРТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Марғилон шаҳар ҳокимлиги мажлислар залида фуқаролиги бўлмаган ҳамда 16 ёшга тўлган йигит-қизларга фуқаролик паспортини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда шаҳар ҳокими, А.Зиявитдинов, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙХХБ бошлиғи биринчи ўринбосари палковник Жамшид Каримовлар сўз олиб, ёшларга юртимизда яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, келажакда она Ватан, халқ манфаати йўлида камарбаста инсонлар бўлиб етишишларини тиладилар.

Илк марта ушбу ҳужжатни қўлига олган ёшларнинг қувончи чексиз, улар мустақил мамлакатимиз шаънu шавкатини янада юксалтириш йўлида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишларини мамнуният ила таъкидладилар.

2021-04-07 12:16:08